«UZPARTAMPONAJ» АЖ

томонидан 01.01.2025 йилдан 31.12.2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тузилган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисида

Раҳбариятга хат

21.05.2026

Сканировано с CamScanner

Аудиторская организация в форме
ООО «F-PLUS AUDIT»

АКБ Узпромстрой банк город Ташкент. Расчетный счет: 20208000900676810001 МФО: 00440
ОКЭД: 69202 ИНН: 304342244. E-mail: farhodjon.yuldashev@mail.ru телефон: +998934964938

Раҳбариятга хат

Раҳбарият ва ташқи фойдаланувчиларга

I. Кириш қисми:

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

«F-PLUS AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 5-а-26 уй. Тел: +998 93 496 49 38, +99897 430 27 46.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - Ўзбекистон Республикаси Ягона дарча маркази томонидан 29.09.2016 йилда № 8234 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан 15 март 2022 йилда барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишга рухсат берувчи реестрга № 102-сонли рўйхат билан киритилган.

ҳисоб рақами: 20208000900676810001 ХАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» город Ташкент, МФО-00440.

СТИР: 304342244, ИФУТ 69202. email: farhodjon.yuldashev@mail.ru.

Аудиторлик ташкилоти директори: Юлдашев Фарходжон Махмуджонович, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 04 декабр куни берилган № 05647-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

Корхона тўғрисида маълумот:

«UZPARTAMPONAJ» АЖ

Юридик манзили: Узбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Коровулбозор шахри, Карши шоссеси.

Юридик шахснинг ягона Давлат реестри: Бухоро вилояти, Коровулбозор туман Давлат хизматлари маркази томонидан 25.09.1999 йилда берилган "Юридик шахсни Давлат руйхатидан утказиш тугрисида" ги 359 -сонли гувохнома.

Статистика кодлари: ОПФ-153, ОКЭД - 79994, СООГУ - 09100 Нефт ва табиий газ казиб олиш соҳасидаги техник хизматлар, СОАТО- 1706232501.

Банки: Тошкент шахар "Узсаноаткурилишбанки"АТБ бош офиси МФО коди: 00440 х/р.: 20210000004015706001 СТИР: 203025578.

Корхона директори: Файзуллаев Адиз Абдурасулович.

Асосий фаолият тури: Нефт ва газ кудукларни цементлаш ва мускахкамлаш жараенида махсус техник хизмат курсатиш.

Сканировано с CamScanner

Аудиторлик текшируви методологияси ва умумий характеристика:

Ушбу ҳисобот «UZPARTAMPONAJ» акциядорлик жамияти билан 24 март 2026 йилда тузилган № ЮФМ-22-2026 шартномага асосан корхонанинг 01.01.2025 йилдан 31.12.2025 йилгача бўлган даврда молиявий хўжалик фаолияти юзасидан БҲМСга асосан тузилган молиявий ҳисоботлари, ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва у билан боғлиқ бошқа молиявий ҳужжатларини халқаро аудиторлик стандартларига (ХАС) аудиторлик текширувидан ўтказиш якуни бўйича тузилди.

Аудиторлик текширувида аудитор Давлянова Сайха Умид кизи катнашди. (серт.06402.24.08.2024)
Аудиторлик текшируви учун асос бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуни;
- Аудитнинг халқаро стандарти 700 молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисобот (хулоса) бериш.
- Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлари.

2025 йил йиллик молиявий ҳисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти корхона раҳбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз ўтказилган аудиторлик текшируви асосида ушбу молиявий ҳужжатлар қонунийлиги юзасидан тўғри хулоса чиқариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Аудиторлик ҳисоботи бўйича аниқланган маълумотлар махфий ҳисобланиб, маълумотларни сир сақланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

№ 320 сонли «Аудитни режалаштириш ва ўтказишда муҳимлик» халқаро аудит стандартига асосан корхонанинг молиявий ҳисоботларига асосан жиддийлик даражасининг энг мақбул миқдорини аниқланди. Аудиторлик хулосасини тайёрлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида мазкур стандарт талаблари аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий талаблар ҳисобланади.

Жиддийлик даражасини аниқлаш ***(минг сўм)***

Асосий кўрсаткичлар	***Сумма, минг сўм***	***%***	***Жиддийлик даражасини аниқлаш учун миқдорлар, минг сўм***
Жами харажатлар	32 934 677	3	988 040
Маҳсулот сотишдан (Хизмат кўрсатишдан) тушум	34 844 838	1	348 448
Хусусий капитал (Соф активлар)	31 313 244	3	939 397
Жами активлар	41 063 960	2	821 279
Танланган жиддийлик даражаси жами	*x*	*x*	**3 097 165**
Аудит учун танланган аниқлик даражаси:			
Жиддийлик даражасини аниқлаш учун олинган кўрсаткичлар сони	*x*	*x*	*4*
Жиддийлик даражаси (Танланган жиддийлик даражаси жами/ кўрсаткичлар сони)	***x***	***x***	***774 291***

Корхонанинг 2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботлари миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида жиддийлик даражасининг миқдори 774 291 минг сўм ҳисобланди.

Сканировано с CamScanner

II. Таҳлилий қисм.

Корхонанинг ҳуқуқий асослари, тузилиши.

«Uzpartamponaj» АЖ 1999 йил 25 сентябрда "Узбекнефтегаз" Миллий холдинг компанияси "Узгеобургунефтигаз" АЖ тасарруфида руйхатга олинган булиб, "Юридик шахсни Давлат руйхатидан утказиш тугрисида" ги 359 -сонли гувохномага эга.

Бухоро вилоят, Коровулбозор туман, Ягона дарча маркази томонидан 2014-йил 21августда кайта ташкил этилган. Жамият Коровулбозор туман давлат солик инспексиясида руйхатга олинган булиб, унга 203025578 идентификацион ракам берилган.

Жамият уз фаолиятини Узбекистон Республикасининг амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тугрисида»ги 2014 йил 6 майдаги 370-УРК-сонли конунига асосланиб амалга ошириб боради.

Жамиятнинг устав жамгармаси 718 029 минг сумни, шундан давлат улуши 24,6%ни ташкил килади.

Жамиятга тегишли булган Коровулбозор туман Чулкувар МФЙ Темир йул 85/2уй бино-иншоатлари Коровулбозор туман ер тузиш, руйхатдан утказиш ва кучмас мулк кадастр давлат корхонасида руйхатдан утказилган. Корхонага бино ва иншоатларга булган хукукнинг давлат руйхатидан утказилганлик тугрисидаги 1706232/363510-сонли гувоҳнома берилган. Мазкур гувоҳномага кура бино иншоатларнинг эгалланган ер майдони 2,7 гектарни ташкил килган.

Жамиятга тегишли булган Коровулбозор туман Чулкувар МФЙ ҳудудида жойлашган "Ёрдамчи хужалик" биноси ер тузиш, руйхатдан утказиш ва кучмас мулк кадастр давлат корхонасида 0625-ракам билан руйхатдан утказилган. Мазкур гувоҳномага кура бино иншоатларнинг ер майдони 0,214 гектарни ташкил килади.

Молиявий ҳисоботлар:

Аудиторлик текширувига 2025 йил якуни бўйича корхонанинг қуйидаги молиявий ҳисоботлари ва ҳужжатлари тақдим қилинди:

- Бухгалтерия баланси - Форма № 1;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот -Форма № 2.
- Ҳисоботга изоҳ ва қўшимчалар;

Аудиторлик текширувига юқоридаги молиявий ҳисоботлари, иловалар, молиявий хўжалик фаолиятига боғлиқ дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, шунингдек солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботлар тўлиқ тақдим қилинди ва аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва ички назорат тизими:

Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказишда биз корхонанинг ички назорати ҳолатини кўриб чиқдик. Ички назоратни ташкил этиш учун жавобгарлик корхона раҳбариятига юкланган.

Аудиторлар томонидан корхона бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ҳолатини ўрта даражада баҳоладик, жумладан:

Сканировано с CamScanner

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари 21-БҲМС асосида 1С 8-3 бухгалтерия юритилган. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўлиқ компьютерлаштирилган.

- харажат ва даромадлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» ги Низоми асосида.

- солиқ ва ажратмаларни ҳисоблаш ва ўтказиб боришда Солиқ кодексига амал қилинган.

- харажат ва даромадлар ҳисоб варақлар ҳар ҳисобот даврида (ой, чорак) ёпиш ва улар орасидаги фарқ сумма асосида корхона фойдаси ёки зарарини аниқлаб бориш йўлга қўйилган.

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш бош ҳисобчи зиммасида бўлиб, иш тақсимотига ўзига бириктирилган вазифаси бўйича ҳисоб реестрларини юритади, бухгалтерия ўтказмалари беради, бошқа бўлим ҳисобчилари ишларини назорат қилиб боради ва ҳисоботларни тузади. Бухгалтерия ўтказмалари ҳамда бошланғич ҳужжатлари бухгалтерияда сақланиб келган.

- бухгалтерия ўтказмалари ва реестр маълумотлари ўз вақтида расмийлаштирилган бўлиб, маълумотлар мос келади.

- асосий воситалар ва товар моддий захиралар ҳисоби БҲМС №4 ва БҲМС №5 асосида юритилган, моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган.

- моддий қийматликлар ўз вақтида моддий жавобгар шахслар зиммасига кирим қилинган ва ойлик ҳисоботлар тузиб борилган.

Активлар сақланиши.

Жамият томонидан 2026 йил январь ойида асосий воситалар ва товар моддий захиралар сақланиши ва ортиқ камлиги 12 январь 2026 йилдаги №02-и/ч буйругига асосан инвентаризация ўтказилган ва тегишли далолалатномалар расмийлаштирилган. Инвентаризация якуни бўйича камомад ва ортиқча аниқланмаган.

Корхона баланси.

2025-йил 31-декабр ҳолатига молиявий ҳисобот – Бухгалтерия баланси (1-шакл) бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эга булган:

минг сўм

Кўрсаткичлар номи	№ стр	01.01.2025г	31.12.2025
АКТИВ			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар колдик киймати	012	5 517 737	15 323 856
Узоқ муддатли инвестициялар	030	207 716	207 716
I бўлим бўйича жами	130	5 725 453	15 630 891
II. Жорий активлар			
Товар-моддий захиралари	140	2 283 155	1 654 768
Дебиторлар	210	30 712 180	23 050 536
Пул маблағлари	320	974 672	727 766
II бўлим бўйича жами	390	33 970 007	25 433 069

Сканировано с CamScanner

Баланс активи бўйича жами	400	39 695 460	41 063 961
ПАССИВ			
I. Ўз маблағлари манбалари			
Итого по разделу I	480	30 442 899	31 313 244
шундан: Устав капитали	*410*	*718 029*	*718 029*
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	*450*	*4 032 911*	*1 910 160*
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар	490	0	4 134 634
Жорий мажбуриятлар	600	9 252 561	5 616 082
II бўлим бўйича жами	770	9 252 561	9 750 716
Баланс пассиви бўйича жами	780	39 695 460	41 063 960

Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар ҳисоби.

31.12.2025 йил ҳолатига корхонанинг асосий воситалар дастлабки қиймати 57 342 542 минг сўм, эскириш қиймати 41 919 366 минг сўм ва қолдиқ қиймати 15 423 176 минг сўмни ташкил қилган.

2025 йил давомида 11 783 327 минг сўмлик асосий воситалар сотиб олинган ва кирим қилинган.

2025 йил давомида 604 905 минг сумлик асосий воситалар хисобдан чикарилган.

Асосий воситаларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида белгиланган нормалар асосида амортизация ҳисоблабланган. Жами жамгарилган эскириш киймати асосий воситалар дастлабки кийматининг 73% ташкил килган.

Товар моддий захиралар ҳисоби.

Корхонада материаллар таркибига БҲМС №4га асосан сотиб олиш (кирим қилиниши) даврига эллик минимал ойлик миқдоридан кам бўлган ва қиймати харажатлар таркибига тўлиқ киритиладиган моддий қийматликлар киритилган.

Корхонада материал ва бошқа моддий қийматликлар ҳисоби субсчетлар бўйича кирим чиқимлари ҳисоботга илова қилиш орқали олиб борилган. Кирим қилинган материаллар тўлиқ счет фактура қийматида (ҚҚСсиз) кирим қилинган.

Ёқилғи маҳсулотларини кирим ва чиқими бўйича ҳисоботлар юритилишида корхона фаолиятида қатнашаётган автомашиналар ҳайдовчиларига ойлик йўл варақалари бериб борилган.

31.12.2025 йил ҳолатига ТМЗ жами 1 634 390 минг сўмни ташкил қилган.

Тавсия: Фойдаланишдаги булган товар модий захиралар жумладан инвентарлар БҲМС №4га асосан балансдан ташкари булган счетларда аск эттирилиши мувофик.

Банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.

Жамиятнинг "Узсаноаткурилишбанки"АТБ Амалиёт бошқармасида 20210000004015706001 асосий ҳисоб рақами билан фаолият кўрсатиб келган.

Банк орқали ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 27 июн куни тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998

Сканировано с CamScanner

йил
8 октябр куни № 496-рақам билан рўйхат олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида»ги Низом асосида олиб борилган.

Маблағларни қабул қилиш ва сарфлаш учун жорий ҳисоб ва махсус ҳисобварақлардан фойдаланиш қониқарли деб ҳисоблаш мумкин. Ҳисобварақлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади. Банкдаги жорий ва махсус ҳисобварақлар бўйича операцияларнинг, баланс ҳисоботларида банк кўчирмалари бўйича маълумотлар билан акс эттирилишининг тўғрилигини текшириш жараёнида тафовутлар аниқланмаган.

Корхонанинг жорий ҳисоб рақамида 31.12.2025 й ҳолатига 1 246 минг сўм, бошка жорий хисоб ракамларда 726 519 минг сум қолдиқ бўлган.

Банк ҳисоботини тайёрлашда тўлов топшириқномалар бўлаги асос учун тикилган ва банк томонидан тасдиқланган кунлик банк кўчирмалари ва ойлик банк оборотқалари мавжуд.

Дебитор ва кредитор қарзлар.

Ушбу бўлимнинг счетлари қуйидагилар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мулжалланган:

- харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар;
- турли юридик ва жисмоний шахсларга берилган бўнаклар;
- ходимлар, таъсисчилар ва турли дебиторларнинг қарзлари.

Корхона бухгалтерияси маълумотлари бўйича 2025 йил бошига ҳамда охирига дебиторлик қарзлари қуйидагича бўлган:

(минг сўм)

Счет	Мазмуни	Давр бошига	Давр охирига
4000	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	21 746 318	21 682 747
4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	8 580 326	908 410
4400	Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	352 010	325 405
4700	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	6 509	111 517
4800	Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	27 017	22 456
	Жами	**30 712 180**	**23 050 536**

Йил бошига нисбатан жами дебиторлик қарзлар -7 661 644 минг сўмга камайган.

Жорий мажбуриятлар бўлимининг счетлари корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Корхона бухгалтерияси маълумотлари бўйича 2025 йил бошига ҳамда охирига кредиторлик қарзлари қуйидагича бўлган:

(минг сўм)

Счет	Мазмуни	Давр бошига	Давр охирига
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счетлар	662 755	1 526 417
6300	Олинган бўнаклар (6300)	2 010 255	358 624
6400	Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счетлар	137 822	1 091 532
6500	Суғурта ва давлат тўловлари бўйича қарзлар	856 763	223 973
6600	Сугурта ва мақсадли давлат жамгармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счетлар	842 548	644 199
6700	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар счёти	3 192 854	1 599 436
6800	Қисқа муддатли кредитлар	1 419 272	
6810	*Шу жумладан қисқа муддатли банк кредитлари*	*1 419 272*	

Сканировано с CamScanner

6900	Бошка кредиторлар	130 292	105 803
7800	Узок муддатли карзлар		4 134 634
	Жами	**9 252 561**	**9 750 716**

31.12.2025 йил ҳолатига тузилган баланс ҳисоботидаги кредиторлик қарзлари бухгалтерия маълумотларига ўзаро тўғри келади.

Йил бошига нисбатан жами кредиторлик қарзлар 498 155 минг сумга купайган.

2025 йил давомида корхона томонидан банкдан узок муддатли кредит қарзлар олинган.

Дебиторлик ҳамда кредиторлик бўйича қарздорликлар солиштирма далолатномалар билан тўлиқ тасдиқланган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш.

Корхонада ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи, қўшимчалар, мукофот, пособия ва бошқа ҳисоблашишлар 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобида амалга оширилган.

2025 йил давомида жами ҳисобланган иш ҳақи ва бошка даромадлар 15 307 781 минг сўмни ташкил этган, шундан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддаси) 15 307 781 минг сўмни ташкил қилган. Корхонада ходимларнинг ҳафталик иш кунлари 6 иш кун белгиланган, ҳисоблашишлар асосий иш ҳақи, қўшимчалар ҳисобига тўғри келган.

2025 йил давомида ходимлар иш ҳақи ҳисобидан даромад солиғига 1 836 934 минг сўм, ижтимоий солиққа 1 816 096 минг сўм ҳисобланган.

Ходимларга ҳисобланган иш ҳақлар вақтбай асосида ҳисобланган. Ҳисобланган иш ҳақлар штат жадвали ва табеллар асосида бўлиб, иш ҳақи ва бошқа ҳисоблашлар ва ушланмалар ҳисобланиши тўлиқ компютерлаштирилган.

Ходимларни иш ҳақидан бўлган кредитор қарзлари ва оборотлари баланс ҳисоботи маълумотларига тўғри келади.

31.12.2025 йил ҳолатига ходимлардан иш ҳақи ва бошқа ҳисоблашишлардан карзи булмаган.

Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари.

Солиқ Кодексининг 43 бобига асосан корхонанинг 2025 йил давомида жами даромадлари, сотилган Маҳсулотлар таннарх харажатлари ва давр харажатлари қуйидагича ҳисобланган:

минг сўм

Счетлар	Харажатлар жами	Сумма
9100	**Сотилган махсулот тан нархи**	**21 596 519**
9420	-Маъмурий харажатлар	4 364 522
9430	-Бошқа операцион харажатлар	6 417 392
	Жами давр харажатлари:	**10 781 914**
	Молиявий фаолият бўйича харажатлар жами	
9820	-Фойда солиғи	**556 244**
	Умумхўжалик жами харажатлар:	**32 934 677**

Сканировано с CamScanner

Харажатларни амалга ошириш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари, шунингдек қарор билан тасдиқланган Маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги Н 54-сон (СП КМ ЎР. 1999 й. Н 2 9-модда).

Корхонанинг 2025 йил давомида жами даромадлари қуйидагича ҳисобланган:

минг сўм

Счетлар	Даромадлар жами	Сумма
9000	Асосий фаолиятнинг даромади:	33 134 979
9300	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари:	1 709 859
9500	Молиявий фаолият бўйича даромадлари:	
	Умумхўжалик жами даромади:	**34 844 838**

2025 йил давомида асосий фаолиятнинг даромади, хисобига тўғри келган.

Корхона ҳисобот даври 2025 йил якуни бўйича 1 910 161 минг сўм соф фойда билан якунлаган. Ушбу олинган соф фойда корхона таъсисчиларининг умумий йиғилиш қарорига асосан сарфланиши мумкин.

Хусусий капиталлар ҳисоби

Ушбу бўлимнинг счетлари корхонанинг хусусий капитали ҳолати ва ҳаракати, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ, ташкил этилган резервлар ва фондлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусий капитал корхонанинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқдир. Хусусий капитал мулк эгаси томонидан амалга оширилган қўшимча инвестициялар, фаолият натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Корхонада қуйидаги счетларда ҳисоб юритилади: 8300 - Устав капиталини ҳисобга олувчи счетлар; 8500 - Резерв капиталини ҳисобга олувчи счетлар; 8700 - Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счетлар. 8800 - Мақсадли тушумлар ва бошқа резервлар.

2025 йилда йил боши ва якунига хусусий капиталлар счетларида қуйидаги қолдиқлар мавжуд бўлган:

минг сўм

Счет	Счет номи	31.12.2024г	31.12.2025г
8300	Устав капиталини ҳисобга олувчи счетлар	718 029	718 029
8500	Резерв капиталини ҳисобга олувчи счетлар	11 072 815	10 616 331
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ни ҳисобга олувчи счетлар	4 032 911	1 910 160
8710	*Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси*	*4 032 911*	*1 910 160*
8800	Мақсадли тушумларни қайд этиш учун ҳисоблар	7 104 299	7 104 299
8900	Келгуси харажатлар ва тўловлар учун захираларни ҳисобга олиш учун ҳисоблар	7 514 845	10 964 425
	Жами	**30 442 899**	**31 313 244**

Сканировано с CamScanner

31.12.2025 йил ҳолатига ўз маблағлари манбалари 31 313 244 минг сўм, шундан тақсимланмаган фойда 1 910 160 минг сўм, 2025 ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси 1 910 160 минг сўм, баланснинг жами миллий валюта колдиги 41 063 961 минг сумни ташкил қилади.

Корхона Уставининг 7 бандида таъсисчиларнинг карорига асосан жамғарма фонди ташкил этилиши белгиланган булиб, йил охирига 8520 счетида 134 755 минг сум жамгарма фонди мавжуд.

Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши.

Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказиб борилиши текширилганда қуйидагилар аниқланди:

Корхона умумий тартибда солиғи тўловчи сифатида Давлат бюджетига фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, иш ҳақидан даромад солиғи, ер солиги, мулк солиги, ижтимоий солиқ бўйича ҳисоботлар тақдим қилиб келинган ва шунга асосан ҳисоб китоб қилиб келинган.

минг сум

Юридик шахслар фойда солиги:	
Жами даромадлар	70 526 426
Харажатлар жами	70 168 583
Шундан: чегирилмайдиган харажатлар	34 023
чегириладиган харажатлар	70 134 560
Солиқ солинадиган фойда	391 867
Имтиёзлар - жами	
Солиқ базаси	391 867
Фойда солиғининг белгиланган ставкаси	15
Фойда солиғи суммаси – жами	**58 780**
Қўшилган қиймат солиғи	
Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган ҚҚС суммаси	7 692 229
шундан: ҳисобга олинадиган товарлар (хизматлар) бўйича	*7 692 202*
ҳисобга олинмайдиган товарлар (хизматлар) бўйича	*27*
Хисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи жами	7 692 202
Товарларни (хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси	8 447 532
Бюджетга тўлананиши (камайтирилиши) лозим бўлган ҚҚС суммаси, жами	**755 330**
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	
Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси	15 307 781
шундан: Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (СК 371-моддаси)	*15 134 130*
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар (СК 375 (дивиденд ва фоизлардан ташқари), 376 ва 377-моддалари)	
Жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари	173 651
Солиқ базаси	15 307 781
Ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси	**1 816 096**
шундан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга ҳисобланган даромад солиғи суммаси	
ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий (ихтиёрий) бадаллар	**14 541**
ШЖБПҲга хисобланган бадаллар	

Сканировано с CamScanner

ШЖБПҲга ихтиёрий тўланган бадал суммаси	
Хисобот даврида ШЖБПҲга хисобланган бадаллар жами	14 541
Ижтимоий солиқ	
Меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (Солиқ кодексининг 371-моддаси)	15 307 781
Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари	
Солиқ базаси	15 307 781
Ижтимоий солиқ суммаси	**1 836 934**

Корхонада ишловчи ходимлар даромадларидан даромад солиғи ҳисобланиши бўйича.

Ходимлар даромадидан Солиқ Кодексининг 13 бобига тегишли моддалари асосида даромад солиғи тўғри ҳисобланиши текширишдан ўтказилганда 1 985 380 минг сўм солиқ ҳисобланганлиги ва шундан 14 541 минг сўм ШЖБПҲ ҳисобланганлиги аниқланди. Ҳисоботга нисбатан фарқ аниқланмади.

Ижтимоий тўлов ҳисоблаш.

Ижтимоий тўлов суммалари ҳисоблаш солиқ кодексининг тегишли моддалари асосида ҳисобланадиган базадан келиб чиқиб, ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

2025 йил давомида Солиқ кодексининг 371 моддасига асосан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан 15 307 781 минг сум ҳисобланган булиб, ижтимоий солиққа 1 985 380 минг сўм ҳисобланган.

Иқтисодий ҳолатини баҳолаш бўйича кўрсаткичлари.

Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари Адлия Вазирлигидан 14.04.2005 йилда № 1469 рўйхатга олинган Корхоналарнинг иқтисодий тўлов қобилиятини назорат қилиш қўмитасининг 16.03.2005 йилдаги № ГС-05.0271/1 «молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва мониторинг ўтказиш ҳақида»ги йўриқномасига асосан аниқланди.

- *Балансниng қопланиш коэфициенти - Жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати. Ушбу кўрсаткич 1,25 дан паст бўлган ҳолатларда корхонанинг тўлов қобилияти пастлигидан далолат беради.*

- *Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – молиявий барқарорликни таъминлаш учун шахсий оборот билан таъминланганлик кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0.2 дан паст булса оборот маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.*

- *Рентабеллик даражаси коэффициенти – молиявий хўжалик фаолиятининг маълум бир даврида Корхонанинг фойдаси (зарари) даражаси кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0.05 дан паст булса, паст рентабеллик ҳисобланади.*

- *Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича коэффициенти – қисқа муддатли жорий мажбуриятларни кайтариш қобилияти бўйича кўрсаткичини белгилайди. Норматив коффициенти 1.00.*

Сканировано с CamScanner

Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича бўлган:

Коэффицентлар	Кўрсаткичлар ҳисоби	31.12.2025 й ҳолатига	Кўрсаткичлар характеристикаси
Баланснинг қопланиш коэффициенти	А2 / П2-ДО	4,53	>1.25 тўлов қобилиятли
Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (молиявий барқарорлик)	П1+Дэк2-А1 / А2	0,78	>0,2 оборот маблағлари билан таъминланган
Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати коэффициенти	П1 / П2-ДО	5.58	>1.00 қисқа муддатли жорий мажбуриятларни кайтариш қобилияти
Рентабеллик даражаси коэффициенти	Фойда солиғи ҳисобланғунча фойда / харажатлар	0,0767	>0.05 рентабеллик

Иқтисодий кўрсаткичлари буйича хулоса:

- Оборот маблағлари билан таъминланганлик даражаси яхши,
- Тўлов қобилияти коэффициенти яхши,
- Қисқа муддатли жорий мажбуриятларни кайтариш қобилияти кўрсаткичи яхши,
- Рентабеллик даражаси кўрсаткичи яхши.

III. Якуний қисм.

Аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича берилган тавсиялар молиявий хўжалик фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек назорат қилувчи органлар томонидан қўйилиши мумкин бўлган жарималарни олдини олиш, бухгалтерия ҳисобини юритилиши сифатини яхшилаш ва ички назорат тизимини яхшилаш имкониятини беради.

Аудиторлик текшируви натижасида молиявий ҳисобот биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Аудит текширувида даромад ва харажатларни ҳисоблашда баланс ва молиявий натижа бўйича кўрсаткич маълумотларини ўзгаришига олиб келадиган тузатишлар амалга оширилмади. Аудит текшируви давомида айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди,айримларини бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

МЧЖ «F-PLUS AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори : ***Ф.М. Юлдашев***

Аудитор малака сертификати
№ 05647 04 декабр 2019 йил

Берилган сана: 21 май 2026 йил

Сканировано с CamScanner